

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НОРМУРОДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ
(милоддан аввалги XIII – милодий XIII аср бошлари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.06 – Археология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 930.85(575.1)”652/653”

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич

Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи (милoddан аввалги XIII – милodий XIII аср бошлари) 3

Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич

Материальная культура Ташкентского оазиса в древности и средневековье (XIII век до нашей эры – начало XIII века нашей эры) ... 27

Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich

The History of the Material Culture of the Tashkent Oasis in the Ancient and Middle Ages (13th Century BC – beginning of the 13th Century AD) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НОРМУРОДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ
(милоддан аввалги XIII – милодий XIII аср бошлари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.06 – Археология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Таг.360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzhistory.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Асқаров Ахмадали Асқарович
тарих фанлари доктори, профессор, академик.

Мавланов Ўқтам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc. 06.01.2018. Таг.56.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “24” январь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти. 2-қават. Мажлислар зали). Тел.: (+998) 71-233-54-70; факс: (+998) 71-233-39-91, www.uzhistory.uz: ЎзР ФА Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (+998) 71-262-74-58; факс: (+998) 71-262-34-41.

Диссертация автореферати 2020 йил “ ___ ” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “ ___ ” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси билан).

А. С. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Умуминсоният тарихи ва маданий мероси жамики цивилизацияларнинг маънавий пойдевори вазифасини бажаради. Шу боисдан инсоният томонидан яратилган тарихий-маданий мерос объектларини илмий асосда ўрганиш, сақлаш ва таъмирлашга катта эътибор қаратилади. Минтақавий ва умумжаҳон аҳамиятига молик жараёнлар кечган Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш ўзбек халқининг туркий этник таркиби ва давлатчилигининг бирламчи асоси шаклланганли, туркийликнинг Ўзбекистон ҳудудларини қолган қисмларига интенсив ёйилиб бориш жараёнларини англашда муҳим аҳамият касб этади. ЮНЕСКО томонидан “Тошкентнинг тарихи ва маданий меросини тадқиқ этиш” ишига ҳам катта эътибор қаратганлиги ҳам мавзунинг долзарблигини белгиловчи кўрсаткичдир.

Дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва моддий маданиятини, жамият тараққиётини, мафкуравий, этномаданий жараёнларини ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқди. Марказий Осиёнинг таркибий қисми ҳисобланган Тошкент воҳаси (Чоч)да кечган миграция ва этномаданий жараёнлар, воҳанинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти ва тоғ-кон металлургияси тарихи моддий маданият материаллари асосида маълум даражада ёритилган. Шимолда кўчманчи чорвадорлар маданияти билан жанубда ўртоқлашган юксак шаҳар маданияти кесишган Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи бўйича XX асрнинг 70 - йилларидан шу кунгача бўлган вақт мобойнида янги изланишлар натижалари яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаган. Ваҳоланки, бу давр давомида Тошкент воҳасидан бир қанча моддий маданият ёдгорликлари топилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон моддий маданий мероси ва тарихини чуқур ўрганиш устувор масалаларидан бирига айланди. Кам ёритилган муаммоларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада антик ва илк ўрта асрларда – Чоч, ривожланган ўрта асрларда – Шош ва Илоқ мулкликлари деб юритилган тарихий-маданий ўлка – Тошкент воҳасининг моддий маданиятини замонавий илмий ёндашувлар асосида ёритиш муҳимдир. Воҳанинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва даврий мансублигини аниқлаб, илмий муомалага киритиш зарур. Бу воҳада аниқланган маданият ва мажмуаларни қиёсий таҳлил қилиш Ўзбекистон тарихи фанида муаммоли бўлган бир қатор масалаларга ойдинлик киритади. Бундан ташқари, Тошкент Ўзбекистон пойтахти бўлганлиги сабабли ҳам унинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш катта сиёсий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш,

бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон қарорлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб то шу кунга қадар Тошкент воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар қуйидаги уч босқичида амалга оширилган: 1) Россия империяси ҳукмронлиги давридаги археологик тадқиқотлар (1865–1917 йиллар); 2) Совет давридаги археологик тадқиқотлар (1917–1991 йиллар); 3) Мустақиллик йилларида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар (1991–2018 йиллар). Бу масала тадқиқотнинг I бобида муфассал ёритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Тарих институтининг ФА-А3-ГО36 “Чоч – Тошкентнинг қадимги ва ўрта асрлардаги культурогенези ва урбанизациясининг ўзиги хос хусусиятлари” (2009–2011 йиллар) амалий лойиҳаси, ФА-Ф8-041 “Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданияти тарихи қадимги ва ўрта асрларда” (2007–2012 йиллар), ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” (2012–2016 йиллар) фундаментал илмий тадқиқот иши ва ФЗ-201811121 “Қадимги Шош ва Хоразмнинг археологик ёдгорликлари ва муқаддас қадамжоларини карталаштириш ва тадқиқотини ўтказиш (халқаро туризм йўнашлари тармоғини ривожлантириш)” мавзусидаги амалий лойиҳалар билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади археологик материаллар асосида Тошкент воҳасининг мил. авв. XIII аср – мил. XIII аср бошларидаги моддий маданияти тарихини ёритиш ва ўзига хос хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

археологик қидирув маълумотлари асосида Тошкент воҳаси табиий-географик шароити, ландшафти, сув тармоқлари тизимларини ўрганиш, шулар асосида воҳани районлаштириш ва археологик ёдгорликларини тавсифлаш;

XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари давомида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида мил. авв. XIII асрдан бошлаб милодий XIII асрнинг 20-йилларига оид Тошкент воҳасидаги шаҳар, қишлоқ, қабр қўрғонлари ва бизнинг иштирокимизда 2008–2018 йилларда Қанқа,

Нўғойқўрғон, Тункат, Шоҳрухия шаҳарлари, Шоввозсойдаги Оқтепа ва Қуюн қишлоқ манзили каби ёдгорликлар харобаларидан олинган янги топилмаларни таҳлил қилиш, илмий муомалага киритиш;

мавжуд ва тўпланган археологик маълумотлар асосида воҳада тарқалган Бурғулик ва Қовунчи маданияти комплекслари генезиси, хронологияси, тараққиёт босқичлари масалаларини қайта кўриб чиқиш;

мураккаб этник жараёнларни таҳлил этиш асносида Чоч аҳолиси ва унинг атрофларидаги маданиятлар тараққиётида тутган ўрнига, ғоявий-диний қарашлари билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиш;

воҳада шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, тараққиёт йўллари, шаҳар ва қишлоқларнинг типологик шакллари ва ўзига хос хусусиятларини янги талқин қилиш;

воҳанинг қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ марказларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш даражаси, тоғ-кон ишлари ва металлургия тармоғининг шаклланиши, уларнинг воҳа ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётидаги ўрнини янги археологик маълумотлар билан бойитган ҳолда очиқ бериш;

воҳа моддий маданиятининг қадимги ва ривожланган ўрта асрлар даврида кечган тарихий жараёнларда тутган ўрни масалаларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент воҳасидаги Қанқа, Шоҳрухия, Бинкат-Тошкент, Имлоқ-Тункат, Нўғойқўрғон, Мингўрик каби қадимги ва ўрта асрларга оид ўнлаб шаҳар туридаги, шунингдек, юзлаб қишлоқ ва ўтроқ маданиятга хос бошқа турдаги ёдгорликлар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети сўнги бронза давридан бошлаб ривожланган ўрта асрларга қадар кечган тарихий жараёнлар ва моддий маданиятнинг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари, шаҳарсозлик анъаналари, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, маънавий ва маданий ҳаёти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий тадқиқотнинг холислик ва тарихийлик тамойиллари, хронологик, тизимлилик, қиёсий, генетик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент воҳасида тарқалган Бурғулик маданияти вакиллари “Авесто”да қайд этилган “Данай турлари” ва аҳмонийлар даври ёзма манбаларида келтирилган “Суғд орти саклари” эканлиги асосланган;

Тошкент воҳасида янги топилган 47 та археологик ёдгорликнинг жойлашув ўрни, тузилиши ва хронологияси аниқланиб, ландшафт ва сув тармоқлари бўйлаб жойлашувига кўра воҳада жойлашган барча (855 та) ёдгорликлар ўзига хос учта – Чирчиқ, Охангарон ва Сирдарё ўрта ҳавзасининг ўнг соҳили районларида тарқалганлиги асослаб берилган;

янги топилган Қуюн археологик ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Тошкент воҳасида тарқалган энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти ҳисобланган Бурғулик маданияти (мил. авв. XIII – IV асрлар)нинг вакиллари кўчманчи чорвадор Андроново маданияти (мил. авв. II минг йиллик) вакиллари билан кейин воҳани ўзлаштирганлиги ва уларнинг турли

металл конларига бой бўлган жойларга яқинлашиб, тоғолди теграсигача кириб борганлиги илк бор исботланди;

Тошкент воҳаси археологик ёдгорликлари типологиясини таҳлил қилиш натижасида антик даврда (мил. авв. IV – милодий IV асрлар) икки турдаги шаҳар ва уч турдаги қишлоқлар, илк ўрта асрларда (V/VI – VIII асрлар) саккиз турдаги шаҳар ва икки турдаги қишлоқлар тарқалганлиги, ривожланган ўрта асрларда (IX – XII асрлар) мудофасиз қишлоқларнинг пайдо бўлганлиги асослаб берилган;

моддий маданият материалларини таҳлил қилиш натижалари ва Оҳангарон шаҳри яқинидан товус ва қарға туширилган остадонларнинг топилишига қараганда Турк хоқонлиги даврида Тошкент воҳаси маънавий ҳаётида ўзгаришлар рўй берганлиги, мархумларни дафн қилишда наусли қабрлар ва остадонлардан кенг фойдаланилганлиги, зардуштийлик дини ва мифологияси (Хоразм ва Суғддаги каби) чуқур ўзлаштирилганлиги, аҳоли қарашларида зардуштийлик динига мансуб анъаналар кенг ёйилганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври урбанизацияси масаласи қайтадан кўриб чиқилиб, бу жараёнлар муаллиф томонидан ўрганилган археологик материаллар билан бойитилди. Шунингдек, бу борада янги хулосалар илгари сурилди;

Тошкент воҳасидаги археологик ёдгорликларнинг жойлашуви ва манзилгоҳларининг даврийлик масалалари ишлаб чиқилди. Бу туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотдаги ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққосланганлиги, дала экспедиция ишларида қўлга киритилган археологик материаллардан фойдаланилганлиги, тарих ва археология фанида тан олинган усуллар, шунингдек, назарий ёндашувларнинг қўлланилганлиги, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент воҳасида ўтроқ маданиятнинг шаклланиши, воҳа моддий ва маънавий маданиятидаги ўзгаришлар ва шаҳарсозлик маданиятининг тарқалиши, уларга миграцион ва этномаданий жараёнларнинг таъсири исботланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Археология”, “Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларида Тошкент тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даврини тўлдиришда, Тошкент тарихи ва маданиятига бағишланган илмий ишларда, Тошкент воҳасининг археологик харитаси ва туристлар учун йўл кўрсаткичи тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи мавзуси бўйича

ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Оҳангарон ҳавзасининг илк ўрта асрлардаги маъмурий бошқарув марказлари ва уларнинг тузилишига оид хулосалар, хўжалик тузилишига тегишли материаллардан Тарих институтида 2017–2018 йилларда бажарилган “VII – XIX аср биринчи ярми ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар фаолияти тарихидан” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 2 февралдаги 3/1255-536-сон маълумотномаси). Тадқиқотдан олинган илмий натижаларнинг жорий қилиниши Тошкент воҳаси ўзбек давлатчилиги тизимида ўзига хос бошқарув-маъмурий марказларга эга эканлигини асослашга хизмат қилган.

Тошкент воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган 300 дан ортиқ моддий ашёлар Темурийлар тарихи давлат музейи фондига топширилган ва улардан “Шохрухия – Темурийлар бунёдкорлиги ёдгорлиги” мавзусида кўргазма ўтказишда (2015 йил), музей фондларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 2 февралдаги 3/1255-536-сон маълумотномаси). Музейнинг кўргазма ва фондидан жой олган ашёлар музейга ташриф буюрувчиларда Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлишларига хизмат қилган.

Тошкент воҳаси қадимги ва ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлар ва моддий маданиятини тадқиқ қилиш жараёнида аниқланган янгиликлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Тафсилот”, “Сув ёқалаб”, “Экспедиция”, “Ўтмишга саёҳат” дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 11 февралдаги 08-14-55-сон маълумотномаси). Бу кўрсатувларда узатилган маълумотлар томошабинларнинг Тошкент воҳаси қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти тарихи ҳақида янги маълумотларни эгаллашларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 13 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола улардан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифадан иборат бўлиб, унга: I. Тошкент воҳасининг археологик ёдгорликлари тавсифи; II. харита, расм ва чизмалар; III. жадваллар илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда, уларнинг тарих фани учун назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тошкент воҳаси табиий-географик шароити. Воҳа моддий маданияти тарихининг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланиб, унинг биринчи параграфида **“Тошкент воҳасининг табиий-географик ҳолати ва ресурслари”** баён қилинган.

Тошкент воҳаси Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, воҳанинг шарқий қисмида Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасидаги Қоржонтов, Угом, Писком, Чотқол ва Қурама тизмалари жойлашган. Ушбу тоғлардаги сойлардан оқиб тушган сувлар воҳа бўйлаб оқиб ўтадиган Чирчик ва Оҳангарон дарёларини ҳосил қилган. Бу дарёларнинг сувлари воҳанинг ғарбий ва жануби-ғарбий чегараси бўлган Сирдарё ўзанига бориб қуйилади. Воҳа қиёфаси антропоген таъсир натижасида шаклланган бўлиб, унинг иқлими мўътадил, ҳавосининг нисбий намлиги йиллик ўртача кўрсаткичнинг 50–60 фоизини ташкил этади. Воҳа серсувлиги билан ажралиб туради. Тупроқлари ҳам жуда унумдор. Воҳанинг тоғлик қисми, айниқса Қурама тоғи хилма-хил (олтин, кумуш, мис, вольфрам, кўрғошин, алюминий, каолин, рух, кўмир, флюорит, тапаз, феруза, сафсар, мрамор, оҳак, цемент ва б.) фойдали қазилмаларга бой ҳудуд саналади¹.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **“Қадимги Чоч тарихининг ёзма манбалардаги таърифи”** деб номланган.

Авестонинг “Яшт” наск (китоб)ида Данай (Яксарт – Сирдарё) турлари, яъни саклар эслатиб ўтилади². Шунингдек, воҳа аҳолиси – саклар: сакатиграхауда ва сакахаумаваргалар ҳақида Аҳамонийлар даври (мил. авв. VI асрлар)га оид “Беҳистун”, “Персополь”, “Нақши Рустам” каби қоятош битикларида маълумотлар учрайди³.

Юнон (грек) тилли манбалардан Геродот (тахм. мил. авв. 484 – 425 йй.), Страбон (мил. авв. 64 – мил. 23/24 йй.), Птолемей (тахм. 90 – 168 йй.), Рим тарихчиси Плиний (23/24 – 79 йй.) асарларида Яксарт дарёси ортидаги сакларнинг суғдийларга қўшни бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁴.

¹ Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – М., 1974. – С. 43–44, 54, 56, 87, 112.

² Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра // АО. 1956. – 1957. – №1. – С. 44–45.

³ Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах. – М., 1963. – С. 262–269; Илхомов Ў.И., Хўжаназаров М. Қадимги форс битиктошлари // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 1-жилд. – Тошкент, 2014. – Б. 151.

⁴ Древние авторы о Средней Азии (VI до н. э. – III в. н. э.). – Ташкент, 1940. – С. 125–130; Страбон. География. В 17 книгах. Кн. XI. VIII. 8. – М., 1964. – С. 478, 483; Геродот. Истории и девяти книгах / пер. и

Қадимги ҳинд эпоси “Махабхарата”нинг “Ашвамедха” қисмида подшо Юдхишхира ўтказган қурбонлик маросимида сак, тоҳар ва қанғарларнинг иштироки ҳақида маълумот бор⁵.

Сак қабилалари Александр Македонский юришлари даврига оид антик давр муаллифлари асарларида ҳам қайд этилган⁶.

“Чоч” ўлкаси Сосонийлар ҳукмдори Шопур I даври (262 й.)га оид “Қаъбаи Зардушт” битикларида “Кўҳи Чоч” (Чоч тоғлари) шаклида қайд этилган⁷.

Қадимги хитой муаллифлари Сима Чяннинг (мил. авв. 160/161 – 42/43 йй.) “Тарихий хотиралар” ва Бан Гунинг “Биринчи Хан сулоласи тарихи” асарларида Ўрта Осиёдаги элатлар, давлат ва ҳокимликлар (Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юеган)нинг ўзаро ва ташқи алоқалари ҳақида, IV – X асрларга оид хитой солномалари Бейши, Суйшу ва Тан (Тханьшу)да Кангжюйга тобе Тошкент воҳаси – Чжеси ёки Шининг аҳолиси, хўжалиги ва маданияти ҳақидаги маълумотлар учрайди⁸. Чоч тоғларидаги феруза конлари Чоч – Тош, яъни Юни – Чжеси, Ши, Ши-го мамлакати деб номланишига асос бўлган⁹. Шунингдек, сайёҳ ва роҳиб Сюань Цзан (VI аср) хотираларида ҳам Чоч мулки тўғрисида маълумотлар келтирилган¹⁰.

Абулқосим Фирдавсий (тахм. 935 – 1020 йй.)нинг “Шоҳнома” (XI аср) асарида Қанқа (Қанға) Туроннинг марказий шаҳри¹¹, Ибн Хўрдодбех (820 – 913 йй.)нинг “Китаб ал-масолик вал мамолик” асарида Сирдарё “Қанғардарё”, Ал-Идрисий (XII аср)нинг “Нузҳат ал-муштоқ фи-ҳтирок ул-офоқ” асарида “Қанг кишилари” ҳақидаги маълумотлар тилга олинган¹². Тадқиқотчилар “қанг” атамасини “тош”, яъни “чоч” ва “қанғ” атамаларини ҳам қадимги турк тилидаги “тош” атамаси билан изоҳлашади¹³.

Култоба ёдгорлиги (Жанубий Қозоғистон)даги III–IV асрларга оид ғишт сиртида суғдий ёзувли “Чачан наф” (“Чоч халқи”), “Чоч жамияти” атамалари учрайди¹⁴. Шунингдек, пойтахт Қанқа шаҳри харобасидан турк-руний ёзувли Чоч (сҗс) атамаси битилган сопол идиш ҳам топилган¹⁵.

прим. Стратановского Г.А. – Кн. VII. – Л., 1972. – С. 64, 333; Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). – Бешкек, 2004. – С. 15–17, 22.

⁵ Древние авторы о Средней Азии (VI до н. э. – III в. н. э.). – Ташкент, 1940. – С. 134.

⁶ Отахўжаев А.М. Антиқ ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. – Тошкент, 2016. – Б. 14–15.

⁷ Камолиддин Ш. Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида // *Moziydan sado*. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 18.

⁸ Ходжаев А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода // *O‘zbekiston tarixi*. – 2009. – № 3. – Б. 52–66.

⁹ Ходжаев А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // *O‘zbekiston tarixi*. – 2009. – № 4. – Б. 38–50.

¹⁰ Дьяконов М.М., Кауфман Н.В., Лившиц В.А. О древней согдийской письменности Бухары // ВДИ. – 1954. – №1. – С. 150–163.

¹¹ Фирдавсий. “Шоҳнома” / И.В. Бону Лохутий таржимаси. II том. – М., 1960. – Б. 153–179, 200–203.

¹² Шамсиддинов К. Исследования по исторической географии Средней Азии. – LAP, 2013. – С. 193.

¹³ Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2010. – Б. 6, 14.

¹⁴ Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // *Shygys*, 2006. – P. 95–111.

¹⁵ Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // *O‘zbekiston tarixi*. – 2002. – № 3. – С. 11; Максудов Ф., Бабаяров Г. К этимологии топонима Чач // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. – Ташкент, 2009. – С. 199–205.

Турк хоқонлиги даврида Чочда зарб қилинган тангаларда хоқон, жабғу (ябғу), тегин, тудун унвонлари, ҳукмдор ва хотун (малика) ёнма-ён акс эттирилган суғдий ёзув акс эттирилган¹⁶.

Диссертациянинг *“Тошкент воҳаси тарихининг археологик ўрганилишининг асосий жиҳатлари ва босқичлари ҳамда воҳанинг районлаштирилиши”* деб номланган биринчи бобининг учинчи параграфида XIX асрнинг 2-ярмидан шу кунга қадар воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар уч босқичга: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даври (1865 – 1917); 2. Совет тузуми даври (1917 – 1991); 3. Мустақиллик йиллари (1991 – 2018)га бўлинган ва уни ёритишга шу асосдан ёндашилган.

Биринчи босқичда ҳаваскор археологлар: В.В. Верещагин, Д.М. Граменицкий, И.И. Краузе, Д.К. Зацепин, Н. Пандусов ҳамда С. Пиримқуловлар айрим археологик ашёларни қўлга киритишган¹⁷.

1884 йилда Н.И. Веселовский Улкантўйтепа шаҳри ҳақидаги илк маълумотларни қўлга киритган¹⁸. Шунингдек, С.Ф. Машковцев ва В.Ц. Верещагинлар Оҳангарон ҳавзасидаги Қорамозор конлари (Кўҳисим) ва металлургия марказлари ҳақида айрим тафсилотларни билдиришган¹⁹.

1895 йили “Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги” аъзоларидан Н.С. Лыкошин, Е.Т. Смирнов, Н.П. Остроумов, Н.Г. Маллицкий, А.А. Диваев, М.С. Андреев, Д.С. Граменицкий кабилар воҳа ёдгорликларини ўрганиб, материалларнинг тавсифини келтиришган. Жумладан, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Н.П. Остроумов гуруҳи Улкантўйтепа ва Жумишқозитепада, Е.Т. Смирнов, И.А. Беляев, И. Кастанье кабилар Қанқа, Шоҳрухия, Қирқжангиттепа ва Пискент харобаларида изланишлар олиб боришган²⁰.

Иккинчи босқич – Иккинчи жаҳон уруши – XX асрнинг 40 - йилларигача В.Д. Жуков, А.А. Потапов, М.В. Воеводский, М.П. Грязков, А.А. Семенов, С.Ф. Машковцев, Б.Н. Наследов, А.П. Кириков, О.А. Гвоздецкий, П.И. Князев, М.Е. Массон, Т. Мирғиёсов, Д. Нестеров ва Н. Вундцеттел каби археолог ва геологлар илмий изланишлар олиб боришган²¹.

¹⁶ Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... – Б. 7–8.

¹⁷ Граменицкий Д.М. Заметка о древностях в Туркестанском крае // “Туркестанская ведомости”. – 1875. – № 22; Ўша муаллиф. Граменицкий Д.М. Заметки о древних урочищах Туркестанского края // “Туркестанская ведомости”. – 1879. – № 12; Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания. – Спб., 1883. – С. 80–81; Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Средняя Азия. – Ташкент, 1896. – С. 134.

¹⁸ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Спб., 1963. – Т. II. – С. 169, 172–175.

¹⁹ Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания В.В. Верещагина: с рисунками / Верещагин Василий Васильевич. – М.: Книга по Требованию, 2012. – 155 с.; Машковцев С.Ф. Загадочный рудник Кухисим // Геологический вестник. – 1926. – № 1–3. – С. 66–69.

²⁰ Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Средняя Азия. – Ташкент, 1896. – С. 134.

²¹ Семенов А.А. Материальные памятники арийской культуры Средней Азии // Таджикистан. – Ташкент, 1925. – С. 127; Мошковцев С.Ф. Описание геологического маршрута в Юго-западном Тянь-Шане по линии Ангрэн – Чаткал – Кассан, оз. Кукана – Гудас – Майдантал. – Л., 1930. – С. 5; Наследов Б.Н. Древние шлаки и полиметаллические месторождения Лашкерекско-Янгоклавского участка // За недра Средней Азии. – Ташкент, 1932. – № 2. – С. 22–43; Григорьев Г.В. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. – Ташкент, 1940. – 40 с.; Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент, 1953. – С. 9; Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – М., 1974. – С. 45; Ўша муаллиф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1975. – С. 110–111.

Г.В. Григорьев Қовунчитепа ёдгорлигида (1934 – 1935) стратиграфик казиш ишларини олиб бориб, Қовунчи маданияти ва унинг икки хронологик босқичини аниқлаган. У бу маданиятни сакларга даҳлдор деб ҳисоблаган²².

1940 йилда А.И. Тереножкин янги – Бурғулик маданиятини аниқлаб, уни мил. авв. VI – IV асрлар билан, Қовунчи маданиятининг I босқичини эса милодий I м.й. билан, II босқичини II – IV асрлар билан белгилаган²³.

XX асрнинг 40–50-йилларида М.Е. Массон Тошкент воҳаси археологиясини янги босқичга олиб чиқди. У “Тошкент шаҳри ва вилояти тарихий топографияси” ўқув курслари ва “Оҳангарон, археологик - топографик очерк” асарини яратган²⁴.

XX асрнинг 50-йиллари охиридан Тошкент воҳасида кенг кўламли тадқиқот ишларини олиб борган. Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, Г.Ю. Богомолов, Л.Г. Брусенко, З.С. Галиева, К. Абдуллаев, М.Р. Тихонинлар воҳа шаҳарсозлигини²⁵, Қ. Алимов чорвачилик моддий маданиятини, Т. Агзамходжаев эса кўчманчи чорвадорларга тегишли қабр-кўрғонларни ўрганганлар²⁶.

Тошкент воҳаси моддий маданияти мажмуаларини Г.В. Григорьев, С.П. Толстов, А.И. Тереножкин, В.И. Спришевский, Б.А. Литвинский, Т.Н. Книпович, Л.М. Левина, Т.Г. Оболдуева, Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, А. Асқаров каби олимлар даврлаштирганлар²⁷. Жумладан,

²² Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). – Ташкент, 1940. – С. 32; Ўша муаллиф. Краткий отчет о работе Янгиольской ... – С. 9; Ўша муаллиф. Келесская степь в археологическом отношении // Изв. АН КазССР. Серия археологическая. – Алма-Ата, 1948. – № 1. – С. 49.

²³ Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале // Известия УзФан. – 1940. – № 9. – С. 30–36; Ўша муаллиф. Согд и Чач // КСИИМК. – М.;-Л., 1950. – Вып. XXXIII. – С. 153.

²⁴ Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент, 1953. – 75 с.; Ўша муаллиф. Ахангаран. ... – 150 с.

²⁵ Древняя и средневековая культура Чача. – Ташкент, 1979. – С. 182; Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 197; Ўша муаллиф. Горное дело и металлургия средневекового Илака ... – 140 с.; Буряков Ю. Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // ИМКУ. – Ташкент, 1973. – Вып. 10. – С. 38–51; Брусенко Л.Г., Галиева З.С. Материалы раскопок квартала X – начала XI вв на городище Канка // ИМКУ. – Ташкент, 1974. – Вып. 19. – С. 124–136. Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. – Ташкент: Фан, 1975. – Б. 120; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – 204 с.; Ўша муаллиф. Бассейн Среднего Яксарта в древности и раннем средневековье // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннее средневековье. Материалы Советско-Французского коллоквиума (Самарканд, 1986). – Ташкент, 1987. – С. 33–34; У истоков древней культуры Ташкента. – Ташкент, 1982. – 200 с.; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. – Ташкент, 1990. – 128 с.; Абдуллаев К. Исследование городища Канка (Древней Харашкет городища в Ташкентском оазисе): Дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1975. – С. 37–108; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Узбекистан, 2010. – С. 9.

²⁶ Агзамходжаев Т. Погребальные сооружения Чирчик-Ангренской долины I – VIII вв. н.э. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1966. – 24 с.; Алимов У., Алимов К. Раскопки погребальных сооружений в Ташкентской области // АО-1978. – М., 1979. – С. 542–543.

²⁷ Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.) ... – С. 3–40; Толстов С.П. К вопросу о датировке культуры Каунчитепа // ВДИ. – М., 1946. – № 1. – С. 175–176; Тереножкин А.И. Согд и Чач ... – С. 152–169; Ўша муаллиф. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса // Древняя и средневековая культура Чача. – Ташкент, 1979. – С. 23–37; Спришевский В.И. Археологические памятники на берегах Ташкентского моря // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978. – С. 52–53. Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты канюйско проблемы // СА. – 1967. – № 2. – С. 29–37; Оболдуева Т.Г. Курганы каунчинской и джунской культур в Ташкентской области // КСИИМК. – М.;-Л., 1948. – Вып. XXIII. – С. 101–102; Книпович Т.Н. Некоторые вопросы датировки среднеазиатской керамик домусульманского периода // КСИИМК. – М.-Л., 1949. – Вып. XXVIII. – С. 74–75; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 59–56; Левина

Ю.Ф. Буряков Бурғулук маданиятини мил. авв. IX – III асрлар билан даврлаштириб, Бурғулук I (мил. авв. IX – VII асрлар), Бурғулук II (мил. авв. VI – III асрлар)га; Қовунчи маданиятини мил. авв. II – мил. VI аср бошлари билан белгилаб, Қовунчи I (мил. авв. II аср – мил. II аср), Қовунчи II (мил. II – IV аср б.), Қовунчи III (IV аср ўр. – VI аср б.) босқичларига ажратган²⁸. Бу даврлаштиришга А.Асқаров ҳам кўшилган²⁹.

Ю.Ф. Буряков VI аср ўрталаридан – VIII аср ўртасига оид Мингўрик мажмуасини, Мингўрик I (VI аср ўр. – VII аср б.) ва Мингўрик II (VII аср ўр. – VIII аср ўр.); VIII аср ох. – XIII аср бошларига оид Имлоқ (VIII аср ох. – X аср) мажмуасини, Имлоқ I (VIII аср ох. – IX аср) ва Имлоқ II (X аср)га; XI – XIII аср бошларига оид Кавардан мажмуасини, Кавардан I (XI аср), Кавардан II (XI аср ох. – XII аср ўр.) ва Кавардан III (XII аср ўр. – XIII аср б.) босқичларига бўлган³⁰.

Учинчи босқичда Тошкент воҳасида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар янги қарашлар, назариялар, илмий ёндашувлар ва замонавий технологиялар асосида амалга оширилиб, бундай изланишлар Ю.Ф. Буряков, А. Асқаров, М.И. Филанович, Г.И. Богомолов, Ў. Алимов, Қ. Алимов, С. Баратов, С.Р. Ильясова, Эм.Ф. Вульферт, Р.З. Ибрагимов, Д.Р. Нормуродов, У.Р. Халмўминов кабилар томонидан олиб борилди.

2014–2018 йилларда Оҳангарон ҳавзасидаги археологик ёдгорликларни қайта рўйхатга (свод) олиш жараёнида янги 47 та ёдгорлик аниқланиб, ҳавзадаги жами 329 та археологик ёдгорликнинг рўйхати ва тавсифи амалга оширилди³¹.

Воҳадаги товар-пул муносабатлари Э.В. Ртвеладзе, Т. Ерназарова, А.А. Мусакаева ва Ғ. Бобоёровларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган³².

Умуман олганда, учинчи босқичда тадқиқотчилар томонидан Шоштепа, Мингўрик, Суйуртепа, Қанқа, Шоҳрухия, Ўралитепа, Қуюн, Эртош-Дўлона каби ёдгорликлар ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида 1973 йилдаёқ “Тошкент областининг археологик ёдгорликлари” харитаси тузилган эди. Унда 760 та археологик ёдгорликлар: I. Чирчиқ дарёси ҳавзаси; II. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ўрталари; III. Оҳангарон дарёси ҳавзасига туркумлаштириб тавсифланган³³. Ю.Ф. Буряков эса 742 та археологик ёдгорликларни:

Л.М. Этнокультурная история Восточного Приаралья. – М., 1996. – С. 5–7; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента ... – 312 с.; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент, 2015. – Б. 290.

²⁸ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 70–71, 100.

²⁹ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ... – Б. 290.

³⁰ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 80–101.

³¹ Оҳангарон ва Пискент туманларидаги ёдгорликларни қайтадан рўйхатга олиш (свод) ишлари С.Р. Ильясова бошчилигида, Ғ.А.Максудов, Эм.Ф. Вульфертлар билан биргаликда олиб борилди.

³² Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). – Ташкент, 2006. 132 с.; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). – Ташкент, 2007. – 120 с.; Мусакаева А.А. Начальный этап денежного обращения в Чаче // Роль города Ташкента в развитии мировой цивилизации. – Ташкент, 2009. – С. 162–169.

³³ Буряков Ю.Ф., Қосимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. – Тошкент, 1975. – Б. 13–115.

А – Чирчиқ ва Келес; Б – Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғи; В – Оҳангарон; Г – Сирдарё ўрта оқими ўнг соҳили тарзида туркумлаштирган³⁴.

Диссертацияда Тошкент воҳасидан аниқланган 47 та янги ва фанда маълум бўлган 48 та ёдгорлик юқорида келтирилган харитага киритилди. Бу тадқиқотимизда воҳадаги жами 855 та ёдгорликларни: I. Чирчиқ ҳавзаси (516 та ёдгорлик); II. Оҳангарон ҳавзаси (333 та ёдгорлик); III. Сирдарё ўрта оқимининг ўнг соҳили (6 та ёдгорлик) тартибида туркумлаштиришни таклиф қилганмиз.

Биринчи бобда:

биринчидан, воҳанинг антропоген, урбанистик жараёнлари, тарихий-маданий ҳудуди сифатидаги ўрни археологик тадқиқотлар натижалари, ёзма манбалар ва илмий адабиётлар таҳлилида ўз аксини топди. Яъни, қарийиб 150 йиллик Чоч тарихи, археологияси ва нумизматикаси шаклланиб, Ўрта Осиёнинг узок ўтмиши соҳасида махсус йўналиш – қадимги ва ўрта асрлар Чоч ўлкаси моддий маданияти тадқиқотлари илмий мактабининг шаклланишининг гувоҳи бўламиз;

иккинчидан, Чоч ўлкаси ҳисобланган Тошкент воҳасининг – Чирчиқ, Оҳангарон ва Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳили ҳавзаларида сақланган мажмуалари ўрганилиб, уларнинг бойитилган харитаси ҳамда маданият тараққиётининг асосий босқичлари аниқланди;

учинчидан, Чоч ўлкасига хос бўлган Қовунчи маданияти Турк хоқонлиги даври ҳамда ислом даври, Чингизхон юришларига қадар ўтган сулолалар даврларининг моддий маданиятини, асосан кулолчилик маҳсулотларининг ўзига хослиги аниқланганлиги кузатилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тошкент воҳасининг милоддан аввалги XIII – милодий VI аср бошларидаги моддий маданияти”** масалаларига бағишланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфида **“Тошкент воҳасида сўнгги бронза ва илк темир даври маданиятининг асосий хусусиятлари (Бурғулик маданияти)”** таҳлили ўз аксини топган.

Воҳадаги ўтроқ маданият сўнгги бронза ва илк темир даврдан бошланган. Бу давр миграцион жараёнлари ҳамда аҳоли ўтроқлашувига Андроново маданияти вакиллари ўз таъсирини кўрсатган³⁵.

Мил. авв. II м. й.нинг охири – I м. й.нинг бошларида янги маданий мажмуа – Бурғулик маданиятига хос қишлоқлар пайдо бўлган. Бу каби қишлоқлар Туябўғиздан, Бурғулик маданиятига хос ашёлар Қовунчитепа, Шоштепа, Қанқа, Қулоқчинтепа, Ниёзбоштепа ёдгорликларидан ҳам топилган³⁶. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар натижасида Қуюндан ҳам шу маданиятга хос ертўла, калта жўмракли, таги айлана шаклидаги сопол

³⁴ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982. – С. 11.

³⁵ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – М., 1999. – С. 20–36.

³⁶ Древняя и средневековая культура Чача ... – С. 17–23, 39–51; Дуке Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. – Ташкент, 1982. – 95 с.; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента ... – С. 125.

идишлар топилди. У эса шу турдаги идишларнинг Шарқий Туркистон, Суғд, Қадимги Бактрия ва Марв худудларигача тарқалганлигини кўрсатади.

С. Баратов Бурғулук маданиятини Фарғона водийси, Тошкент ва Зарафшон воҳаси, Шимолий Бактриядаги сопол буюмлар, чўл маданияти (Саргари-Алексеев, Карасук) материаллари таҳлилига асосланиб, илк босқичини мил. авв. XIII – IX асрлар билан белгилашни таклиф қилган³⁷. Бу фикрга қўшилган холда 2-босқични мил. авв. VIII – IV асрлардан сўнг бу худудга Суғд маданияти кириб келгунигача бўлган давр билан белгилашни таклиф қилдик.

Бурғулик маданиятига хос қишлоқлар тоғолди худудларигача тарқалган. Буни Қуюн ёдгорлиги топилмалари тасдиқлайди. Бу жойдан қўлда ясалган содда сопол буюми парчалари, диаметри 1–1,5 м, чуқурлиги 50 см бўлган тўртта хўжалик ўраси, тош ёрғучоқ ва қуроллар, ҳайвон суяклари ва буғдой қолдиқлари топилди.

Ҳунармандчилик маълум соҳаларга ҳали ихтисослашмаган, аммо уй чорвачилиги анча ривожланган эди.

Иккинчи бобнинг *“Антик даврда Тошкент воҳаси моддий маданиятида юз берган ўзгаришлар (Қанқа мажмуаси, Қовунчи маданияти)”* деб номланган иккинчи параграфида мил. авв. IV аср – мил. VI аср бошларидаги воҳанинг моддий маданияти ёритилган.

Воҳадаги дастлабки шаҳар Қанқа II аср охири – III аср бошларида Қанг давлатининг қишки пойтахти бўлган. У V асрдан Эфталитлар давлати таркибидаги йирик шаҳар ҳисобланган³⁸.

Қанқа Суғд шаҳарсозлик маданияти таъсирида мил. авв. IV асрнинг охири – III аср бошларида шаклланган³⁹. Дастлаб, шаҳар майдони 6,5 га (240×280 м)дан зиёд бўлган. Арк ва шаҳар девор ҳамда хандақлар билан ўралган. Шаҳар мудофаа девори пойдевор, ички коридор ва ташқи буржлардан иборат бўлган. Шаҳарга жануби-ғарбдаги дарвозадан кирилган⁴⁰.

Қанқадан топилган маданий қатлам қолдиқлари эллинизм даври маданияти билан Суғд шаҳарсозлиги услубларининг симбиозини кўрсатади. Бу Қанқа шаҳрини Яксарт орти Антиохияси билан боғлашга асос бўлган⁴¹.

Минтақадаги табиий ва тектоник ўзгаришлар мил. авв. III асрда Сирдарё қуйи оқимидаги янги шимолий ўзани ҳосил қилган⁴². Эски сув ўзани куриб қолган. Натижада Чирикрабод маданияти вакиллари – дахлар Сирдарёнинг

³⁷ Дукe X., Баратов С. Бурғулук маданияти // Тошкент воҳаси аохеологияси. – Тошкент, 2009. – Б. 11–13.

³⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.;-Л., 1950. – Том II. – С. 186, 272, 330; Луконин В.Г. Завоевание Сасанидов на Востоке и проблема кушанской абсолютной хронологии // ВДИ. – 1969. – № 2. – С. 126; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 107.

³⁹ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 104.

⁴⁰ Абдуллаев К. Археологическое изучение городища Канка (средневековый Харахкет) // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых исследований 1972 года в СССР. – Ташкент, 1973. – С. 133; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 103.

⁴¹ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 103–106; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. – Ташкент, 1990. – С. 16–32; Исомиддинов М., Рапен К. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации Самаркандского Согда // Средняя Азия: археология, история, культура. – М., 2000. – С. 204; Богомолов Г.И. Городская культура Ташкентского оазиса (античность и раннее средневековье) // Ўзбекистон тарихи. – 2008. – 2-сон. – Б. 29.

⁴² Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – М., 1999. – 360 с.

юқори оқими бўйлаб ҳаракатланиб, мил. авв. II асрда Сирдарё ўрта оқимида Қовунчи ва Ўтрор-Қоратов маданиятларини шакллантирган.

Қовунчи маданиятини Ю.Ф. Буряков уч босқичга: Қовунчи I – мил. авв. II асрдан – милодий II асрларгача; Қовунчи II – II – IV асрлар; Қовунчи III – IV-VI асрнинг биринчи ярмига ажратган⁴³. Шу таклифни асосли, деб ҳисоблаймиз. Тошкент воҳасида бу маданиятга оид 100 дан зиёд археологик объектлар аниқланган бўлиб, улардан 13 таси шаҳар ва унга тенглаштирилган марказлар саналади⁴⁴. Шаҳарлар ўз типологик тузилишига кўра икки турга бўлинади. Бири махсус режа-тарх (план) асосида қурилган шаҳарлар (Қанқа, Шоҳрухия, Тўрткўлтепа-1, Тўрткўлтепа-2, Далварзинтепа, Мингўрик, Оқтепа-2) бўлса, иккинчиси, табиий рельеф хусусиятига кўра қурилган услублар (Киндиктепа, Оқкўрғон, Қулота, Ковардон, Қовунчитепа, Шаматепе)га бўлинади.

Бу маданиятга оид қишлоқларнинг айримлари шаҳар кўринишини олиб, мудофаали ёки мудофаасиз тизимли бўлган.

Бу даврда кўчманчилар ҳам ўтроқлашиб, сунъий суғорма деҳқончиликка ўтган. Воҳадаги чорвадорлар ва ўтроқ аҳоли ўзаро маҳсулот айирбошлаган. Бу ҳунармандчилик соҳасининг ривожига ҳам имкон яратган.

Қовунчи I ва Қовунчи II даври сополларида умумийлик кузатилса-да, Қовунчи II даври кўчқор бошли ўрнига хўкиз бошли кабобкўралар пайдо бўлиши билан характерланган. Қовунчи III кулолчилигида этномаданий изчиллик давом эттирилиб, ишлаб чиқариш усуллари Жетиасар-Қовунчи маданияти негизида ривожланган.

Хўжалик тараққиёти II асрларда товар-пул муносабатларини шакллантирган. Тангаларнинг олд томонида – ҳукмдорнинг бош қисми, орқасига – тамға ва ҳукмдор номи туширилган⁴⁵. Чоқ тангалари ҳудудлараро савдода ҳам муомалада бўлган.

Қовунчи маданияти даврида марҳумлар катакомба тузилишидаги соз тупроқли ва тош уюмли қабр кўрғонларига яқка, жуфт ва гуруҳ қилиб, чалқанча ёки ёнбошлатиб дафн этилган. Бу даврда эътиқодий ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Шоштепадан мил. авв. III – II асрларга оид хом гишт ва пахсадан қурилган доира ва унинг ичидаги хоч кўринишидаги ибодатхона топилган. Кейинчалик ибодатхона диний-меъморал мажмуа марказига айланган⁴⁶. Шу каби Оҳангарон юқори оқимидан чорвадорларнинг III – IV асрларга оид Ўралитепа ибодатхонаси топилган⁴⁷.

Сопол идишлардаги жонзотлар қиёфаси ва тамға, белги, чизмалар аҳолининг мафкуравий (идеологик) тасавурлари ҳақида маълум даражада маълумотлар беради⁴⁸. Бу (Фарн (Бахт), Веретрагна) маъбудаларга топинч

⁴³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 70–79.

⁴⁴ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 70, 109.

⁴⁵ Ртвеладзе Э.В. К ранней истории Чача (Новые нумизматические и эпиграфические источники) // ОНУ. – 2008. – № 4. – С. 71–73.

⁴⁶ Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента ... – С. 108, 111. Рис. 8.

⁴⁷ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ... – Б. 237.

⁴⁸ Древности Туябугуза. – Ташкент, 1978. – С. 110; Григорьев Г.В. Келесская степь в археологическом ... – С. 55.

эътиқоди билан боғланади⁴⁹.

IV – V асрларга оид Қанқада уд чолаётган аёл ва эркак чавандоз тасвирланган терракоталар учраган⁵⁰.

Хуллас, иккинчи бобда мужассамлашган тадқиқотлар натижалари Чоч ўтроқ деҳқончилик маданияти илк босқичлари хусусиятларига бир қатор янги фикрлар ва хулосалар қилишга имкон берди:

биринчидан, Қуюн ўтроқ қишлоғининг энг қуйи қатламлари Чоч ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг илк куртаклари Бурғулик маданиятидан эмас, Андроново маданиятининг сўнгги босқичида, яъни мил. авв. XV асрларга оид Федорова босқичига оидлиги кузатилади. Бу Чочда ўтроқ маданиятга ўтишга қўйилган дастлабки қадам эди;

иккинчидан, ундан бу ҳудудлардаги Бурғулик маданиятининг кенг қўламли маданий алоқалари аниқланган ва айнан мил. авв. XV – XIII асрларда воҳанинг асосий ҳудудлари ўзлаштирила бошлади;

учинчидан, антик даврда эса эллинизм маданиятининг кичик учқунларидан бошланган Чоч урбанизацияси Қовунчи маданияти даврида кенг қўламда ривожланиб, кўшни ҳудудлар – Суғд, Фарғона ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятларда урбанизация катта ютуқларга эришганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу билан боғлиқ бўлган мустақил Чоч давлати шаклланиб бўлганлигини унинг мустақил пул муомаласи хўжалиги, яъни Чочда зарб қилинган тангаларни II асрдан бошлаб муомалада юра бошлаганлигини кўрамыз;

тўртинчидан, Қовунчи маданияти вакиллари бутун Тошкент воҳаси бўйлаб тарқалган. Текислик қисмларидан тортиб, баланд тоғли қисмларига қадар тарқалган аҳоли турли экологик шароитларга мослашган янги этномаданий типни яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жиҳатлар ўзбек халқининг асосий этномаданий хусусиятлари сифатида XIX – XX асргача сақланиб келган. Яъни, шаҳар ва қишлоқларда ўтроқ ҳамда кўчманчи ҳаёт тарзида яшаган аҳолиси бир вақтда ҳам чорвачилик, ҳам деҳқончилик билан комплекс тарзда шуғулланган.

Учинчи боб **“VI – VIII асрларда Чоч воҳаси шаҳарсозлиги ва моддий маданияти”** деб номланиб, унинг **“Чочнинг илк ўрта аср шаҳар ва қишлоқлари таснифи”** номли биринчи параграфида воҳанинг илк ўрта асрдаги шаҳар ва қишлоқлари ҳамда майда мулклардаги ўзига хос жиҳатлар таҳлил этилган.

Бу даврда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг ўтроқлашуви кучайиб, урбанистик жараёнлар жадаллашган ва воҳанинг халқаро савдодаги аҳамияти ортган⁵¹. Бу шаҳарларни кенгайтириб, Мингўрикни Чочнинг, Тункатни Илокнинг маъмурий марказига айлантирган⁵². Айни пайтда Қанқа сиёсий, иқтисодий, маданий марказ сифатида роль ўйнаган.

⁴⁹ Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн. – Душанбе, 1968. – С. 46–58, 75–111.

⁵⁰ Усова Е.С., Буряков Ю.Ф. Терракотовые поделки с городища Канка // ИМКУ. – Ташкент, 1981. – Вып. 16. – С. 44.

⁵¹ Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака ... – 140 с.

⁵² Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 121–140.

Воҳанинг VI – VIII асрларга оид шаҳарлари икки таркибий қисмга: арк ва шахристонга бўлинган. Воҳада шу каби 32 та ёдгорлик аниқланган⁵³. Арк алоҳида девор ва хандақлар билан ўраб олинган. Бу давр шаҳарлари тузилишига кўра 8 та турга бўлинган (бу 3-илова, 2-жадвалда акс эттирилган).

Бу масалада Ю.Ф. Буряков қилган типологиядан келиб чиққан ҳолда, айрим аниқликлар киритдик. Жумладан, шаҳарларнинг классификациясига кўра, аввал тўғри бурчакли деб ҳисобланган айрим шаҳарлар Google Earth Pro дастури (программаси) суратга олган космик материаллар асосида бошқача шаклдалиги аниқланди.

Қишлоқларда девор билан ўраб олинган қалъа, кўшк-қасрлардан иборат бошқарув биноси, хўжалик иншоотлари ва ибодатхоналар ўрин олган. Бундан ташқари, қишлоқларда тураржой ва устахоналар жойлашган.

Учинчи бобнинг *“Чочнинг илк ўрта аср моддий маданиятидаги анъаналар ва янгиликларнинг уйғунлиги”* номли иккинчи параграфи Турк хоқонлиги ва араблар кириб келган даврдаги моддий маданият масалаларига бағишланган. Воҳа моддий маданияти маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи анъаналар билан суғдий элементлари синтези асосида шаклланган.

Воҳа тараққиётига, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, тижорат каби соҳалар ижобий таъсир кўрсатган. Буюк ипак йўлининг тармоғи шу ҳудуддан ўтганлиги ижобий таъсир кўрсатган. Чочда VI – VII асрларда воҳа маҳсулотларини айрибошлаш учун хоқонлик тангаларидан ташқари маҳаллий тангалар зарб қилиниб, бу тангалардан минтақа бўйлаб олиб борилган савдода ҳам фойдаланилган. Чоч тангаларига суғдий битик, ҳукмдор ва малика, арслон, барс (қоплон), туя, от каби ҳайвонлар тасвирлари туширилган. Кейинчалик Хитойда Тан империяси ҳукмронлик қилган даврда бу давлат тангаларига тақлид қилиб ясалган ўртаси квадрат тешикли тангалардан ҳам фойдаланилган⁵⁴.

Ҳунармандчилик Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидаги феруза, олтин, кумуш, мис, темир маъдан конлари ҳисобига ривожланган. VI – VIII асрларда металлургияга ихтисослашган янги қишлоқ ва шаҳарлар (Шоҳжувортепа, Тункат, Қулота, Суйиртепа, Ангрендаги Номсиз тепа каби шаҳарлар, Кўкрел, Тошбулоқ, Қўйлиқтепа қишлоқлари) пайдо бўлган⁵⁵.

Воҳада илк ўрта асрларда кулолчиликнинг локал хусусиятлари йўқола бориб, унга Турк хоқонлиги ва Суғд моддий маданияти таъсири кузатилади. Хусусан, идиш балдоқларидаги зооморф хили йўқолиб, оддий кўриниш олган. Идишларни безашда ўйма ва муҳрланган идишлар гуруҳи ажралиб туради⁵⁶.

⁵³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 126.

⁵⁴ Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... – С. 7–73; Мусакаева А.А. Начальный этап денежного обращения в Чаче // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды Международной научной конференции. – Ташкент, 2009. – С. 150; Зеймаль Е.В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия в раннем средневековье. – М., 1999. – С. 204.

⁵⁵ Буряков Ю.Ф., Филанович М.И. Чач и Илак // Археология СССР. Средняя Азия и Дальний Восток эпоху средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье. – М., 1999. – С. 86.

⁵⁶ Тихонин М.Р. Новые данные о керамическом производстве в рабаде городища Канка // ИМКУ. – Ташкент, 1986. – Вып. 20. – С. 120–122.

Воҳа меъморчилигида қишлоқ қасрлари, шаҳар арк ва шаҳристонлари табиий ва сунъий тепаликлар устига пахса ҳамда хом ғиштдан (48–52×23–26×10–12 см) қурилган. Мудофааланган аркларда маъмурий ва хўжалик бинолари, тураржойлар ўрин олган. Шаҳристонлар ташқарисида ишлаб чиқариш ва савдо мажмуалари – рабодлар шакллана бошлаган.

Илк ўрта асрларда воҳада донли экинлар экилиб, узумчилик ва боғдорчилик ривожланган. Узумдан шароб тайёрланган. Манбаларга кўра, VII асрдан Хитойда “Ши (Тошкент) давлатидан” ўзлаштирилган “узум шаробини тайёрлаш услуги” қўлланилган⁵⁷.

Илк ўрта асрларга оид ибодатхоналарда муқаддас олов сақланадиган алтарь бўлиб, унда рамзий олов сақланган⁵⁸. Бунга Қанқадаги ибодатхона мисол бўлади⁵⁹. Бу, олов билан боғлиқ зардуштийлик таълимоти тамойилларига мос келган.

Шаҳарнинг марказий ибодатхонасидан ташқари, маҳаллаларда ҳам уй алтарлари бўлган.

Воҳа аҳолиси марҳумларни соз тупроқ ёки тошдан уйилган қабр кўрғонларга дафн этишдан наусларга дафн қилиш одатига ўта бошлаган. Наус ичидан суяклар билан бирга турли ашёлар аниқланган⁶⁰. VII асрларга келиб, зардуштийликка кўра марҳум суяклари остадонларда дафн қилинган.

Хуллас, биринчидан, илк ўрта асрларда Тошкент воҳасида яшаган ҳар хил этник гуруҳларга мансуб ўтроқ дехқон, хунарманд ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасида турли диний тасаввур ва эътиқодлар мавжуд бўлган. Аммо Турк хоқонлиги даврида Чочнинг ўзига хос дафн одат ва маросимлари ўрнига зардуштийликка хос дафн удумлари тарқалганлигининг гувоҳи бўламиз.

Турк хоқонлиги даврида Чоч моддий маданияти чуқур трансформациялар ва уларнинг янгиланиш жараёнини бошдан кечиради. Жумладан, қишлоқ ва шаҳарлар сони ҳамда уларнинг типологияси кўпайиб боради (шаҳарлар типологик жиҳатдан 8 га, қишлоқлар иккига бўлинади). Бунинг сабаби Чоч Турк хоқонлигининг иқтисодий ва савдо-сотикнинг йирик марказларига айланганлигида эди. Чоч икки маъмурий марказга, яъни Чоч ва Илоққа ажрала бошлайди. Бунинг Илоқдаги шаҳар марказлари ҳисобланган Имлақ-Тункат ва Суйритепалардан Чоч тангаларининг топилганлиги тасдиқлайди;

иккинчидан, кулолчилик соҳасида товар маҳсулотлари турлари кўпайганлиги туфайли унинг сифати пасайиб, идишлар типологиясида эса Суғд ва Фарғона кулолчилигининг таъсири кучайганлигини кўрамыз;

⁵⁷ Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тадқиқотлар. – Тошкент, 2007. – Б. 196.

⁵⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Том. II. – С. 272; Бураков Ю.Ф., Богомолов Г.И. Работы в Ташкентской области // АО. 1982 г. – М., 1983. – С. 451; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента ... – Рис. 25.

⁵⁹ Беленицкий А.М. Конь в культурах и идеологических представлениях народов Средней Азии и евразийских степей в древности и раннем средневековье // КСИА. – М., 1978. – № 154. – С. 32; Древний и средневековый город восточного Мавераннахра ... – С. 51–63; Чач и Илак ... – С. 89.

⁶⁰ Агзамходжаев Т. Подземные каменные наусы около г. Ангрен // ИМКУ. – Ташкент, 1966. – Вып. 7. – С. 104–111; Бураков Ю.Ф. Новые данные к стратиграфии городища Кульата // ОНУ. – Ташкент, 1978. – № 9. – С. 38–42.

учинчидан, Чоч маънавий ҳаётида Хоразм ва Суғддаги каби ўзгаришлар рўй берганлигини, кўрғон гўрлари камайиб, наус ва остадонлар тарқалганлигини кўрамиз.

Тўртинчи боб “**VIII аср охирлари – XIII аср бошларида Тошкент воҳаси шаҳарсозлиги ва маданияти**” деб номланади. Ушбу бобнинг “**Тошкент воҳасининг ривожланган ўрта аср шаҳарсозлиги**” номли биринчи параграфида воҳа шаҳарлари ва шаҳарсозлиги масалаларига тўхталиб ўтилган. VIII асрнинг биринчи чорагидаги араб истилоси натижасида воҳа шаҳар ва қишлоқлари таназзулга учрайди. Фақатгина воҳанинг Сомонийлар (865 – 999), Қорахонийлар (999 – 1141) ва Хоразмшоҳлар (1125 – 1220) каби марказлашган давлатлар таркибига кириши, иқтисодий ва маданий юксалишига олиб келган. Аммо жараён мўғуллар истилоси натижасида (XIII аср биринчи чорагида) тўхтаган.

IX – X асрларга оид араб ва форс тилли асарларда қайд этилган Шош ва Илоқдаги 45 та шаҳардан Тошкент воҳасидаги 34 та шаҳарнинг ўрни локализация қилинган⁶¹. Бу давр шаҳарлари маъмурий бошқарув маркази сифатида арк, шаҳристон ва рабод қисмларидан иборат бўлган. Шаҳарлар сони кўпайиб, уларнинг тузилиши ҳам ўзгарган.

Воҳанинг энг йирик шаҳри Бинкат Шошнинг пойтахти, Қанқа – Харашкат эса иккинчи шаҳар бўлган. Илоқ маркази Тункат шаҳри ҳисобланган. М.Е. Массон ва Ю.Ф. Буряков Имлоқ харобасини⁶², академик А. Асқаров Суйритепани Тункатнинг ўрни сифатида талқин этади⁶³. XI – XII асрларда Чоч ва Илоқни ўзаро боғлайдиган шаҳар Новкат – Улкантўйтепа Илоқнинг пойтахтига айланган⁶⁴.

IX аср – XIII аср бошларида воҳада илк ўрта асрлардаги қишлоқлар ўрнида ва янги пайдо бўлган муҳофазасиз 100 дан зиёд қишлоқлар мавжуд эди. Археологик топилмалар ва ёзма манбаларга кўра, бу даврда воҳа деярли ўзлаштирилиб бўлган эди. Шаҳар ва қишлоқлар асосан хунармандчилик, суғорма деҳқончилик ҳамда савдо-сотик ҳисобига ривожланган. Илоқ маъдан конларининг маҳсулотлари Кавказорти, Шарқий ва Ғарбий Европа давлатларигача етиб борган⁶⁵.

Тўртинчи бобнинг “**Тошкент воҳасининг ривожланган ўрта аср маданиятининг асосий хусусиятлари**” номли иккинчи параграфида Тошкент воҳасининг VIII аср охири – XIII аср бошларидаги моддий ва маънавий маданияти тоҳирий, сомоний, қорахоний, қорахитой ва хоразмшоҳлар даври анъаналари мисолида кўриб чиқилган. Бу даврлар археологик топилмаларини Ю.Ф. Буряков Имлоқ (VIII аср охири – X аср:

⁶¹ Булгаков П.Г. Сведения арабских географов IX – начала X в. о маршрутах и городах Средней Азии: Дис. ... канд. ист. наук. – Л., 1954. – С. 273–274; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 145.

⁶² Массон М.Е. Ахангеран. ... – С. 70–93; Буряков Ю.Ф. Историческая топография Тошкентского ... – С. 110.

⁶³ Асқаров А.А., Исабеков Б.К. вопросу о локализации столицы средневекового владения Илак // Проблемы древней и средневековой истории Чача. – Saarbrücken, 2013. – С. 345–353.

⁶⁴ Буряков Ю.Ф. Историческая топография ... – С. 14–173.

⁶⁵ Hududal Alam (The Regions of the World), tr. and exp. by V Minorsky. – London, VII. 1970. – С. 287; Тер - Гевондян А.Н. Армения и Арабский халифат. – Ереван, 1977. – С. 208; Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака ... – С. 124–125, 140.

Имлоқ I – VIII аср охири – IX аср; Имлоқ II – X аср) ҳамда Кавардан (XI аср – XIII аср боши: Кавардан I – XI аср; Кавардан II – XI аср охири – XII аср ўрталари; Кавардан III – XII аср ўрталари – XIII аср боши) мажмуаларига ажратган⁶⁶. Диссертацияда бу мажмуа янги топилмалар билан бойитилган.

Тоҳирийлар ва Сомонийлар бошқаруви даври меъморчилигида пахса ва хом ғиштдан қурилган шаҳар мудофаа деворлари маҳобатли бўлмаган. Қишлоқларда эса мудофаа деворлари қурилмаган.

IX – X асрларда металдан камон ўқининг учи, пичоқ, ўроқ, омон, болта, капир, чўмич, қошиқ, санчки, қайчи, тақа, мих кабилар ясалган.

Бу даврдаги Чоч-Илоқдаги Бинкат, Тункат, Новкат, Банокат шаҳарларидаги зарбхоналарда марказлашган давлатларнинг пул бирликлари – дирхам, динар ва фулс кабилар зарб қилинган. Бу воҳанинг йирик сиёсий, иқтисодий ва муҳим стратегик марказ бўлганлигидан далолат беради. Муомалада қисман олтин ва кумуш, асосан мис тангалардан фойдаланилган. Бу тангалар эквиваленти кумуш танга билан белгиланган.

Илоқ ферузаси юксак кадрланиб, у махсус устахоналарда қайта ишланган.

Араб халифалиги даврида Қовунчи маданиятидан мерос бўлиб келган дастаси шохдор кўчқор кўринишида ясалган ёғлиғи (куружка) йўқолиб кетган. Бу давр сопол идишлари кулолчилик дастгоҳларида тайёрланган. Улар сирланган ва сирланмаган идишлар бўлиб, дастлаб сиртига кўкиш-яшил тусли доғлар берилган. Кейинчалик рангсиз сирланиб, турли геометрик шакллар, ҳайвонлар тасвири, эпиграфик безаклар туширилган. Бу каби кулолчилик маҳсулотлари Шарқ бозорларида қадрланган⁶⁷.

IX аср 2-ярми – X асрларда кулолчилик идишларининг бир қисми текис сирланиб, йирик ҳажмли идишлар сирланмаган. Йирик ҳажмли кўзасимон идишларнинг сони камайиб, янги хил идишлар ликоп ва ликопчалар, симоб кўзача, дастурхон (хонтахта)лар пайдо бўлган. Улар оқиш ва қаймоқ рангларда чарх ёрдамида сирлана бошлаган. Баъзида идишлар фонига қизил, қора, қизғиш-жигарранг ҳамда тўқ кулранг тус ҳам берилган. Идишларга ўсимлик ва ҳайвон кўринишлари, геометрик ва эпиграфик тасвирлар туширилган⁶⁸. Сирли идишларнинг девори юпқа ва нафис ишланиб, яхши пиширилган.

IX – X асрларда шишадан хўжалик, тиббиёт ва атторлик идишлари ишлаб чиқарилиб, улардан кенг фойдаланилган.

Бу даврда воҳада тўкувчи, чармгар, косиб, гиламдўз ва наMAT босувчилар кийим-кечак, чодир, гилам, наMAT, кийгиз, пойафзал, камар, соқдон, меш, от абзаллари каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришган.

VIII аср охиридан бошлаб мархумлар қабрга ислом дини анъаналарига кўра ерга лаҳад қазиб дафн қилина бошлаган.

X аср – XIII аср бошларига оид меъморчилик иншоотларини қуришда хом (29–32×15–16×4–5 см) ва пишган (24–25×24–25×4–5 см, 20×20×4 см,

⁶⁶ Бурыков Ю.Ф. Генезис и этапы ... – С. 65–100, 141–144.

⁶⁷ Древности Ташкента. – Ташкент, 1976. – С. 80–101.

⁶⁸ Древний Ташкент... – С. 86–97; Брусенко. Л.Г. Глазуванная керамика Чача IX–XII вв. – Ташкент, 1986.

28×14×4 см) ғишт, пахса, гувалалардан фойдаланилган.

Қорахонийлар хукмронлиги даврида ҳам аввалги даврларда бўлгани каби металлларга ишлов бериш муҳим аҳамият касб этган.

Маҳаллий аҳоли ўзаро ва халқаро муомала воситаси сифатида мис (фулс), кумуш қопланган мис (динор, дирхам), олтин тангаларни ишлатган. Воҳадаги Новкат ҳамда Банокат шаҳарларида тангалар зарб қилинган.

Воҳа ҳунармандлари суяк, шох ва чиғаноқдан хўжалик буюмлари ва тақинчоқлар, ноёб тошлардан заргарлик буюмларини тайёрлашган.

XI асрда хира оқиш, сарғиш яшил, сарғиш жигарранг рангда сирланиб, қора, қизил ва жигарранг бўёқ билан безатилган идишларга турли нақш ва шакллар – ўсимликсимон, геометрик, эпиграфик тасвирлар, баъзан ҳайвон, парранда ва одамларнинг тасвири туширилган.

XI аср охири – XII аср ўрталарида сопол идишларни оч сариқ рангда сирланиб, геометрик шакли ва фил суяги, тўқ сариқ, оч яшил, кўкимтир, жигарранг, қизил ва қора ранглардаги безакларида ўзгаришлар содир бўлган. Чироқдон ясашда ягона шакл пайдо бўлган.

XII аср ўрталари – XIII аср бошларида сопол идишлар шакли кўполлашиб, оғирлашиб борган. Тасвир ва безаклар техникасида ўзгаришлар рўй берган. Идишларга тўқ яшил, оч яшил, сариқ, қизил, мовий, фил суяги ранглари берилган.

X – XII асрларда Бинкат, Қанқа, Имлоқ, Облик, Шоҳрухия шаҳарларида шишасозлик устахоналари бўлган. Шишадан хўжалик, дори-атторлик, санитария-гигиена анжомлари, тақинчоқлар, ойналар ясалган. 2014 йилда Шоҳрухияда олиб борилган тадқиқотларда кўплаб шу каби шиша буюмларнинг топилиши мазкур даврда соҳанинг жадал ривожланганлигидан далолат беради.

Воҳа иқтисодида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳам муҳим ўрин тутган. Маҳсулотларнинг воҳада етиштирилмайдиган айрим турлари четдан келтирилган.

Воҳа соҳибкорлари узумдан майиз, шинни ва шароб тайёрлашган.

Воҳанинг тараққиётида муҳим роль ўйнаган ички ва ташқи йўллар шаҳар, қишлоқларни ҳамда қўшни ҳудудларни ўзаро боғлаган.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларнинг якуни ва ривожланган ўрта асрларга ўтиш босқичларида Чоч мулкининг бир асрлик талофатлари туфайли таназзулга учрайди. Ундан кейин араб халифалиги қарам ҳудудларда савдо-сотик, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг мисли кўрилмаган ривожига ҳамда таназзулининг гувоҳи бўламиз. Бу жараён Чоч-Илоқда ҳам кузатилади. Хусусан, шаҳар ва қишлоқлар мустаҳкам деворлар билан ўралган тор қалъалардан ташқарига кенгайган. Майдони кенг боғ-роғлар орасидаги ўрта аср маҳаллаларида – маҳобатли сарой, маъмурий идора, масжид, мадраса, мақбара кабилар қад ростлаган. Шунингдек, кенг кўламдаги савдо-сотик туфайли Евроосиёнинг узоқ минтақалари билан Чоч ўлкасининг иқтисоди ва маданияти узвий боғлиқ ҳолда ривожланганлигини кузатишимиз мумкин. Афсуски, бундай эркин тараққиётга XIII аср биринчи чорагида Чингизхон бошчилигидаги қўшинлар барҳам берди.

ХУЛОСА

Диссертацияда амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Тошкент воҳаси Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихида ўз гео-сиёсий ўрни, иқтисодий имкониятлари, маданий тараққиёти билан ўзига хос ўрин тутган. Бу қадимги ва ўрта асрлар даврига оид 855 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ харобаси, қадимги қонлар, қабристонлар, муҳофаа ва ирригация иншоотларининг топилиши билан ўз тасдиғини топади.

2. Тошкент воҳаси археологик ёдгорликлари ҳудуднинг ўзига хос минтақалари: Чирчиқ ҳавзаси, Оҳангарон ҳавзаси ва воҳа жанубидаги Сирдарёнинг ўнг қирғоғи текисликлари ўзининг географик жойлашуви, ландшафти, иқтисодий имкониятлари билан фарқланган бўлса-да, айти пайтда бу микрорегионлар Чоч тарихий-маданий вилоятнинг яхлит минтақа сифатида шаклланганлигини исботлайди.

3. Тошкент воҳаси цивилизация тараққиётида муҳим ўрин тутган кўчманчи ва ўтроқ аҳоли кўним топиб, урбанистик жараёнлар ривожланган тарихий-маданий ҳудуд ҳисобланади. Қадимда Чоч, ўрта асрларда Шош ва Илоқ тарихий-маданий ўлкаси нафақат минтақада, балки Ўрта Осиё тарихида ҳам муҳим роль ўйнаган. Бу ердаги қулай географик муҳит, қазилма бойликлар, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши давлатчилик анъаналари шаклланишига имкон яратганлигини кўрсатади.

4. Ёзма манбаларда келтирилган Чоч, Қанғ каби этноним ва топонимларнинг этимологик жиҳатдан прототуркча эканлиги Тошкент воҳасининг географик жойлашуви, табиий бойликлари, этник тарихи бўйича бир қатор масалаларга ойдинлик киритди. Хусусан, ушбу атамалар билан боғлиқ манбалар қадимдан бу воҳа нафақат Қанғ давлатининг, балки бутун минтақанинг муҳим стратегик аҳамиятга молик ҳудуди бўлганлигини исботлайди.

5. Андроново маданиятига мансуб Тошкент воҳасининг жез даври (мил. авв. 2-минг йиллик) тош ва тупроқ уюмларидан қилинган қабристон кўрғонлари Чирчиқ ва унинг ирмоқлари бўйида, Обираҳмат, Бурчмулла қишлоқлари, Искандар шаҳарчаларида ўрганилган. Бу қабрлардан Андроново маданиятига хос қўлда ясалган сопол идишлар, билагузук, марварид ва маржонларнинг топилиши бу маданият вакиллари воҳа тоғ ёнбағрларидаги қонларни ўзлаштирганлигидан далолат беради.

6. Воҳадаги энг қадимги манзилгоҳ асосчилари – Андроново маданияти вакиллари Бурғулик маданияти соҳиблари билан бирин-кетин яшаган ва доимий яшаш учун бошпана қуриб, ўтроқ деҳқончилик хўжалигига асос солганлар. Бурғулик маданияти вакиллари ўз ҳудудларини кенгайтириб, воҳанинг текислик, тоғ олди ва тоғли ҳудудларига кириб борганлар. Уларда содда кўринишдаги деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик соҳаси турлари хўжалик юритишнинг ягона воситаси сифатида сақланиб қолган. Бурғулик мажмуаси таҳлилига кўра, воҳада бу давр аҳолиси ўртасида меҳнат тақсимоти чуқур илдиз отмаган. Темир даври (мил. авв. VI – IV асрлар)нинг

сак (скиф) ва массагет қабилалари иттифоқига мансуб қабристонлардан тирнаб безатилган сопол идишлар, тош ва кумушдан ясалган зеб-зийнат буюмлари топилиши кўчманчи чорвадорларнинг воҳада ўзига хос маданий хўжалик типи намуналарини яратганлигини кўрсатади.

7. Манбаларга кўра мил. авв III асрда Демодам скиф (сак)ларга қарши Тошкент воҳасида илк шаҳар – Қанқада истехком қурдирган. Бу шаҳар Суғд шаҳарсозлик маданияти таъсирида шаклланган. Шаҳарнинг энг қуйи қатламларидан топилган материаллар алоҳида мажмуа сифатида ўрганилди.

8. Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятининг шаклланишига мил.авв III–II асрларда шимоли-ғарбдан Сирдарё бўйлаб юқорига юриш қилган дахлар ўз таъсирини кўрсатганлар. Бунга дахлар томонидан воҳада шакллантирилган Шоштепа (мил. авв. 2200 й.), Қовунчитепа (мил. авв. II аср), Мингўрик (мил. I аср) каби урбанистик масканларнинг пайдо бўлиши гувоҳлик беради. Шу даврда Сирдарё ва Амударё ҳавзасида минтақавий меъморий-фортификацион стандартлар билан Тошкент воҳасида маҳаллий анъаналарнинг ҳам ўзига хос тараққиёт босқичи рўй берган.

9. III – IV асрларда Қанғ давлати инқирозга учрагач, унинг худудида пайдо бўлган мулкликлардан бири Чоч Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бирига айланди. Натижада, VI аср ўрталаридан бошлаб воҳа ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бериб, Чоч-Илоқ мулкликлари Турк хоқонлигининг йирик сиёсий марказига айланди. Бу даврда шаҳар ва қишлоқлар кўпайиб, воҳанинг ички қисмларида ҳам урбанизацион жараёнлар ривожланди. Уларда маъмурий, хўжалик иншоотлари, савдо ва ҳунармандчилик расталари жойлашган эди.

10. Илк ўрта асрларда турли этник гуруҳларга мансуб аҳоли орасида диний тасаввур ва эътиқодлар ҳам турлича бўлиб, VII – VIII асрларда ёппасига зардуштийликка ўтила бошлаган. Буни воҳадан топилган қабр-қўрғон, наус, остадон, ибодатхоналар ва эътиқод рамзлари исботлайди. Хоқонлик даврида зардуштийлик етакчи дин сифатида тарқалган.

11. Ривожланган ўрта асрларда шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфасида ва аҳоли маънавий ҳаётида ислом дини анъаналари кўзга ташланади. Бу даврдаги воҳанинг иқтисодий ривожини унинг савдо йўллари кесишмасида жойлашгани билан белигиланар эди. Бу жараён шаҳарсозлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотик, ижтимоий-маданий соҳалар ривожига ўз таъсирини кўрсатган.

Тадқиқот юзасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

1) Воҳадаги қадимги, антик, илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрларга оид ёдгорликларни тадқиқ этиш мақсадида маҳаллий ва халқаро экспедицияларни ташкиллаштириш;

2) Тошкент воҳасида сақланиб қолган ва манбаларда ўз аксини топган муқаддас қадамжолар ва уларнинг топонимик тарихий илдизларини аниқлаштириш;

3) Тошкент воҳаси археологик ёдгорликлари харитасини янгилаш, такомиллаштириш ва тарихий аҳамиятга молик бўлган ёдгорликлар асосида

туризм марказларини ташкил этиш;

4) Тошкент воҳасида туризмни ривожлантириш мақсадида “Чоч ёдгорликлари” мавзусида гидлар учун махсус ўқув курсларини шакллантириш;

5) Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг тарих факультетларида, ижтимоий фанларга ихтисослашган лицейларда, хусусан Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган ўқув муассасалари қошида “Тошкент воҳаси тарихи, археологияси ва ўлкашунослиги” курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 06.01.2018. Tar.56.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

НОРМУРОДОВ ДИЛМУРОД РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

**МАТЕРИАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА
В ДРЕВНОСТИ И СРЕДНЕВЕКОВЬЕ
(XIII в. до нашей эры – начало XIII в. нашей эры)**

**07.00.01 – История Узбекистана
07.00.06 – Археология**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Tar.360

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.uzhistory.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сулейманов Рустам Хамидович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: Аскарлов Ахмадали Аскарлович
доктор исторических наук, профессор, академик

Мавланов Уктам Махмасобирович
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «24» января 2020 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc. 06.01.2018.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней доктор исторических наук (DSc) и доктор философии (PhD) при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз. 2-й этаж. Зал заседаний. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Институт истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 г.
(Протокол реестра рассылки № __ «__» _____ 2020 г.).

А. С. Сагдуллаев
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.и.н., профессор, академик

М. Х. Пайзиева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к. и. н.

А. Х. Дониёров
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д. и. н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Историческое и культурное наследие человечества является духовной базой современной цивилизации. Во всех развитых странах мира изучение материальной культуры, сохранение объектов историко-культурного наследия, созданных человечеством, приобретают приоритетную значимость. Изучение памятников материальной культуры древности и эпохи средневековья Ташкентского оазиса, в котором происходили процессы, имеющие региональное и общемировое значение, внесет определенность в понимание процессов формирования тюркской этнической составляющей узбекского народа и первичной основы его государственности, интенсивного распространения тюрков в тот период на остальной территории Узбекистана. Всемирное культурное наследие – материальная и духовная культура занимают важное место в сфере идеологии, науки и воспитания. Сохранение и исследование материального и духовного наследия, которые представляют важность в изучении такого рода проблем, включая и Ташкент, находятся в центре внимания ЮНЕСКО.

Большинство исследовательских центров по всему миру проводят изыскания в области изучения древней и средневековой истории, а также материальной культуры, развития общества, идеологических и этнокультурных процессов в Центральной Азии. Миграционные и этнокультурные процессы в Ташкентском оазисе (Чаче), который являлся неотъемлемой частью Центральной Азии, более широко освещались посредством сведений материальной культуры и горной металлургии оазиса древней и средневековой истории. Однако результаты новых исследований по истории древней и средневековой материальной культуры Ташкентского оазиса, проводившихся с 70-х годов XX в. до наших дней, пересекаемых культурой кочевых скотоводов на севере и развитой урбанизацией на юге, детально не изучены.

В годы независимости углублённое изучение истории Узбекистана, его материального и духовного наследия стало одним из приоритетных научных направлений. Особое внимание уделяется освещению малоизученных проблем, одной из которых являются зарождение и развитие материальной культуры Ташкентского оазиса. Этот историко-культурный регион в период античности и раннего средневековья был известен под названием “Чач”, а в развитом средневековье делился на владения Чача и Илака. В связи с тем, что Ташкент является столицей Узбекистана, изучение истории города и области имеет важное политическое значение.

Данная диссертация – это исследование в определённой степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г., Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-

исследовательской деятельности” за № ПП-2789 от 17 февраля 2017 г., “О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия” за № ПП-4068 от 19 декабря 2018 г., Обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 28 декабря 2018 г. и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. “Формирование социальных, правовых, экономических инновационных идей в информационном обществе и демократическом государстве и пути их реализации”.

Степень изученности проблемы. Археологические исследования, осуществлённые в Ташкентском оазисе со второй половины XIX в. до настоящего времени, подразделяются на три этапа: 1. Археологические исследования периода господства Российской империи (1865 – 1917–е годы); 2. Археологические исследования советского периода (1917 – 1991–е годы); 3. Археологические исследования, проведённые в годы независимости (1991 – 2018–е годы). Данный вопрос подробно освещён в главе I диссертации.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Данное исследование связано с практическим проектом Института истории АН РУз ФА-А3-ГО36 “Своеобразные особенности культурогенеза и урбанизации Чача – Ташкента в древности и средние века” (2009 – 2011–е годы), фундаментальными научными исследованиями ФА-Ф8-041 “История материальной и духовной культуры Узбекистана (в древности и средневековье” (2007 – 2012–е годы)”, ФА-0-11986 “История городов Узбекистана: традиции, процессы урбанизации и трансформации (с древности до настоящего времени)” (2012 – 2016–е годы) и ФЗ-201811121 “Картирование и исследование памятников археологии и святых мест Древнего Шаша и Хорезма (к развитию сети маршрутов международного туризма)”.

Цель исследования состоит в освещении истории и выявлении своеобразных особенностей материальной культуры Ташкентского оазиса с XIII в. до н.э. до начала XIII в. н.э. на основе археологических материалов.

Задачи исследования заключаются в следующем:

- на основе археолого-топографических разведок изучить природно-географические условия, ландшафт, систему водных протоков Ташкентского оазиса и на базе полученных данных районировать оазис и дать характеристику археологических памятников;

- провести анализ, уточнить и ввести в научный оборот сведения о городах, селениях, курганных могильниках Ташкентского оазиса периода с XIII в. до н.э. до начала XIII в. н.э., полученные в результате археологических исследований 2-й половины XIX – начала XXI в.; ввести в научный оборот новые находки, сделанные при участии диссертанта в 2008 – 2018 гг. на городищах Канка, Ногайкурбан, Тункет, Шахрухия и сельских поселениях

Актепа и Куюн, находящихся на Шаввазсае;

- на основе всех имеющихся на сегодняшний день археологических данных системно пересмотреть вопросы генезиса, хронологии, этапов развития комплексов культуры Бургулюк и Каунчи;

- опираясь на анализ археологических памятников и сложных этнических процессов, происходивших в Ташкентском оазисе в древности и средневековье, решить вопросы, связанные с развитием духовной культуры населения оазиса и близлежащих к нему территорий, культово-религиозной жизни;

- дать новую интерпретацию формированию культуры градостроительства в оазисе, путей развития, форм и особенностей типологии городов и селений;

- на основе новых археологических материалов выяснить уровень развития ремесленного производства в древности и средневековье в урбанизационных центрах оазиса, определить особенности формирования горнорудного и металлургического производств, их роль в социально-экономическом и культурном развитии оазиса;

- осветить вопросы, связанные с ролью материальной культуры оазиса в исторических процессах, протекавших от периода древности (эпоха поздней бронзы) до развитого средневековья.

Объектом исследования являются десятки памятников городского типа Ташкентского оазиса, относящихся к древности и средним векам, таких как Канка, Шахрухия, Бинкат-Ташкент, Имлак-Тункет, Мингурюк, а также сотни селений, и других типов памятников оседлой культуры.

Предмет исследования составляют исторические процессы и формирование материальной культуры, происходившие с периода поздней бронзы до развитого средневековья, а также этапы развития и традиции градостроительства, образ жизни местного населения, хозяйство, духовная и культурная жизнь.

Методы исследования. В диссертации использованы принципы объективности и историзма, хронологический, системный, сравнительный, генетический анализы исторических исследований.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в следующем:

обосновано, что представители Бургулюкской культуры, распространенные в Ташкентском оазисе являются упоминавшимися в “Авесте” “Данайскими турами”, и называемыми, в письменных источниках эпохи Ахеменидов “саками, живущими за Согдом”;

работами последних лет, определены местоположение и хронология 47 новых археологических памятников, обосновано, что все памятники Ташкентского оазиса (их всего 855) распространены в трех районах – бассейнах рек Чирчик, Ахангаран и правобережье среднего бассейна Сырдарьи;

в результате исследований на вновь открытом памятнике Куюн установлено, что представители Бургулюкской культуры (XIII в. до н.э – IV в. н.э.), считавшейся самой древней оседлой земледельческой культурой, распространившейся в Ташкентском оазисе, освоили оазис после

представителей кочевой скотоводческой Андроновской культуры (II тыс. до н.э.) и, приблизившись к их местам, богатым месторождениями металлов, расселились до предгорья;

исходя из анализа типологии археологических памятников Ташкентского оазиса, обосновано, что в эпоху античности (IV в. до н.э. – IV в. н.э.) были распространены два типа городов и три типа поселений, в раннем средневековье (V/VI – VIII вв.) – восемь типов городов и два типа поселений, а в эпоху средневековья (IX – XII вв.) увеличилось количество неукрепленных поселений;

